

# БАНК АЖВОРДОНМАНИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 6 (509) 2006 йил 8 феврал

## «ИПОТЕКА БАНК» КРЕДИТ КАРТАЛАРИНИ ЭМИССИЯ ҚИЛМОҚЧИ

Замонавий банк хизмати бўлган пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими барча давлат ва тижорат банкларида тобора такомиллашиб бормоқда.

Эндиликда банк мижозлари бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар, қолаверса, оддий аҳоли ушбу сўм карточкаларидан фақат савдо-сотик ишларида эмас, балки маиший хизматлар учун тўловларда ҳам фойдаланишга эришдилар.

Хусусан, «Ипотека банк» АТИБ Тошкент шаҳар филиалининг мижозлари бугунги кунда банк томонидан жорий этилган пластик карточкаларни нафақат савдо-сотик ишларида, балки кино-театр, дорихона, кимёвий тозалаш ва ёнилги қуйиш шохобчалари, шифохоналар ва, ҳатто такси хизматларида ҳам самарали қўллашади.

Мазкур филиал айна пайтда 107068 та пластик карточкаларини эмиссия қилиб, ундан фойдаланиш учун жами 6 та банккомат ва 470 та терминалларни шахримиздаги аҳоли гавжум бўлган нуқталарга ўрнатди.

Шунингдек, банк пластик карточкаларга асосланган ойлик иш ҳақи лойиҳаларини амалга ошириш, юридик шахслар учун корпоратив пластик карточкаларни ва жисмоний шахсларга мўлжалланган сўм карточкаларини жорий қилиш билан бирга келажакда кредит карталарини ҳам эмиссияга чиқаришни режалаштирмоқда.

Гулшан ЮСУПОВА.

## МИЖОЗ ИШОНЧИ – БАНК КЕЛАЖАГИНИНГ КАФОЛАТИ

Республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мамлакат банк тизимини ҳам кенг кўламда қамраб олди. Банкларга билдирилаётган ишончни оқлаш мақсадида вилоят, шаҳар, туман банк бошқармалари ва бўлимлари юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

«Пахта Банк» малакали ва тажрибали ходимларнинг ўз ишига профессионал ёндашуви туфайли бугунги кунинг энг универсал ва йирик банкларидан бирига айланди. Ушбу мақоламиз ҳам банк муваффақиятларига каттагина ҳисса қўшаётган «Пахта Банк» Навоий вилоят бошқармасининг ўтган йил якунларига бағишланади.

Барчага маълумки, мижозлар ишончи банк ривожининг асосий гаровидир. Мижоз билан ўзаро илиқ муносабат банкнинг келажagini таъминлайди. Бугунги кунда барча мулк шаклидаги 3628 та юридик ва 1894 нафар жисмоний шахс «Пахта Банк» Навоий вилоят бошқармаси мижозларидир. Банк бошқармаси мижозларга қулайлик яратиш мақсадида аҳолига яна бир хизмат тури – истеъмол товарлари сотиб олиш учун истеъмол кредитлари ажратишни йўлга қўйди. Ўтган йилда банк аҳолига мебеллар сотиб олиш учун 9699,0 минг сўм, электрон ва маиший асбоб-ускуналар харид қилиши учун 66389,0 минг сўм миқдорда маблағлар ажратди. Юқорида таъкидлаганимиздек, мижозларнинг банкка бўлган ишончи сабабли 1 январ ҳолатига банк акциядорлари сони 2525 тани ташкил этган. Улардан 366 таси имтиёзли акциядорлар ҳисобланади.

Банкнинг барқарорлигини таъминлаш ва сармоясини ўстиришга қаратилган изчил сиёсат натижасида банк сармояси 2005 йил 1 январдагига нисбатан 73860,0 минг сўм кўпайиб, 1266210,0 минг сўмни, жами активлари эса 11,318 млрд. сўмни ташкил

этган. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,25 млрд. сўм ёки 60 фоиз кўпдир.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ўз вақтида молиялаш, уларни рағбатлантириш банклар олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Банк томонидан 2005 йилда жами 2978,0 млн. сўмлик кредитлар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришга ажратилган. «Пахта Банк»нинг вилоят бошқармаси кичик бизнес субъектларига ажратган 1995,4 млн сўм кредитнинг 21,5 млн. сўми санатга, 783,2 млн. сўми қишлоқ хўжалигига, 11,7 млн. сўми айланма маблағларни тўлдиришга, 107,7 млн. сўми қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга ҳамда 53,0 млн. сўми бошқа тармоқларга берилган.

Умумий қилиб айтиладиган бўлса, «Пахта Банк» иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтириш, хусусий тадбиркорликни ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашда ҳақиқий ҳамкор ва молиявий кўмакчи бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Эъзоз КАМОЛОВА.

## БУ СОНДА:

2 Ислохотлар йўлида

5 Ўзаро ҳамкорлик – муваффақият гарови

Фонд бозорининг таҳлили:  
6-7 2005 йил якунлари

## Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 7 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	890,46
1 Англия фунт стерлинги	2100,44
1 Дания кронаси	192,06
1 БАА дирҳами	324,86
1 АҚШ доллари	1193,16
1 Миср фунти	208,59
1 Исландия кронаси	18,88
1 Канада доллари	1043,52
1 Хитой юани	148,12
1 Кувейт динори	4085,74
1 Россия рубли	42,35
1 Украина гривнаси	236,27
100 Ливан фунти	79,44
1 Малайзия ринггити	319,07
1 Норвегия кронаси	178,54
1 Польша злотийси	374,29
1 Сингапур доллари	733,48
1 СДР	1720,72
1 Туркия лираси	901,86
1 Швеция кронаси	154,57
1 Швейцария франки	921,64
1 ЕВРО	1432,87
10 Жанубий Корея вони	12,37
10 Япония иенаси	100,59

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш

## ЯНГИ ОМОНАТ — ЭНГ ЯХШИ ДАРОМАД

АТ Халқ банки навбатдаги юқори фоизли, ютуқли омонат турларини жорий этди. Биринчи омонат «Баҳор» деб номланиб, пул маблағлари 3 ой муддатга, камидан 10000 сўм миқдоридан Халқ банкнинг барча муассасалари орқали омонатга қабул қилинади.

«Баҳор»нинг бошқа омонат турларидан фарқи шундаки, омонатчилар фоиз даромадини олиш билан бир вақтда кўшимча 1 000 000 сўмгача бўлган пул ютуқлари совриндори бўлишлари мумкин. Омонатга бўш пул маблағлари жорий йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилинади. Ютуқлар тиражи эса 2006 йил апрел ойида Навоий шаҳрида бўлиб ўтади.

Шунингдек, Халқ банки «Ҳомийлар ва Шифокорлар йили»да ҳомийликни кучайтириш ҳамда маҳаллалар билан ҳамкорликни яхшилаш, кам таъминланган оилаларни қарздорликларини қисқартириш мақсадида «Маҳалла фидойилари» омонат турини амалиётга татиқ этди. Ушбу омонатга маҳалла кўми-

талари ва қишлоқ фуқаролар йиғини раислари тавсияси асосида ҳомийлик қилиш истагида бўлган маҳалла фидойиларининг маблағлари қабул қилинади. Омонатчи ихтиёрига кўра ҳисобланган фоиз даромадлари маҳалла ҳисобрақамларига ўтказиб берилади. Сўнгра мазкур фоиз даромадлари маҳалладаги кам таъминланган, ёлғиз, боқувчисини йўқотган оилаларнинг коммунал тўловлардан бўлган қарзларини тўлашга йўналтирилади.

Омонатга маблағлар 6 ой муддатга, камидан 300000 сўм миқдоридан йиллик 36 фоиз даромад тўлаш шарти билан нақд пулда қабул қилинади.

Лайло АЗИЗОВА.



АҚШ доллари ва евронинг ўзқавлатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 7 феврал ҳолатига Ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1200,00	1205,00	1433,00	1454,00
«Асака» банки	1205,00	1208,00	1435,00	1450,00
«Ўзсанотқурилишбанк»и	1205,00	1208,00	1434,00	1455,00
«Пахта Банк»	1206,00	1208,00	1448,00	1450,00
«Халқ банк»и	1204,00	1208,00	1433,00	1445,00
«Ипотекабанк»	1205,00	1208,00	1435,00	1445,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1205,00	1207,00	1442,00	1451,00
«ЎзДЭУбанк»	1198,00	1208,00	1445,00	1455,00
«Ўзприватбанк»	1202,00	1205,00	1433,00	1442,00
«Галлабанк»	1203,00	1208,00	1433,00	1451,00
«Трастбанк» АББ	1206,00	1208,00	1448,00	1451,00
«Алп Жамол банк»	1203,00	1208,00	1445,00	1451,00
«Алоқабанк»	1205,00	1208,00	1434,00	1455,00
«У-Т банк»	1206,00	1208,00	1441,00	1451,00
«Туронбанк»	1202,00	1205,00	1440,00	1447,00
«Равнақбанк»	1206,00	1208,00	1435,00	1455,00
«Савдогарбанк»	1203,00	1208,00	1435,00	1450,00
«Ипак йўли» банки	1203,00	1208,00	1444,69	1450,69
«Тадбиркорбанк»	1204,00	1206,00	1446,00	1448,00
«Туркистон» банк	1206,00	1208,00	1449,00	1452,00
«Даврбанк»	1205,00	1207,00	1443,00	1458,00
«Кредит-Стандарт» банки	1200,00	1205,00	1433,00	1450,00
«Капитал банк»	1206,00	1208,00	1432,90	1447,80
«Содерат банк»	1206,00	1208,00	1440,00	1460,00
«Ҳамкор» банк	1206,00	1208,00	1433,00	1453,00
«Универсалбанк»	1203,00	1208,00	1444,00	1450,00
«Парвинабанк»	1206,00	1208,00	1439,00	1450,00





## "ПЛАСТИК" ДАН Фойдаланувчилар Сони 2 МЛН. ДАН ОШДИ

Ўзбекистонда пластик карточкалардан фойдаланувчилар сони 2006 йилнинг 1 январига келиб 2100 минг нафардан ошди ёки бу кўрсаткич ўтган йил бошига нисбатан 5 бараварга ошди.

Корпоратив карточкалардан фойдаланувчилар сони ўтган йилнинг иккинчи ярмининг ўзида қарийб 3,5 мингташи ташкил этди.


Ўтган йили 21 та тижорат банки томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаларида, банк хизмати пунктларида 8175 та банкомат ва терминаллар ўрнатилди. 2005 йил охирига келиб умумий банкоматлар сони 11187 тани ташкил қилди.

2005 йил давомида пластик карточкалар орқали ўтказилган транзакциялар сони 6862900 тани ташкил этди ёки 15 марта ошди.

Карточкалар орқали ўтказилган миллий валютадаги тўловлар суммаси 143,21 млрд. сўмни ташкил этди ёки бу кўрсаткич йил давомида 70,2 фоиз ўсиши таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган операциялар кўламининг кенгайиши натижасида улар орқали нақд пулни олиш суръатида пасайиш кўзга ташланмоқда.

**Марказий банк  
матбуот хизмати.**



**Савол беринг,  
жавоб берамиз**

**Вазирлар Маҳкамасининг 242-сонли Қарорига биноан улгуржи савдо билан шугулланиш рухсатномаси олиш учун низом жамғармаси энг кам иш ҳақининг 3500 бараварида мол-мулк ва 1200 бараварида пул маблағи билан ташкил топиши кўрсатилган.**

Ҳозирда энг кам иш ҳақининг 3500 бараварида низом жамғармасини шакллантирдим. Лекин низом, жамғармасининг энг кам иш ҳақининг 1200 бараваридаги пул маблағини ташкиллаш жараёнида банк ходимлари нақд пул билан шакллантиришни талаб қилишмоқда, Менинг корхонам юридик корхона мақомида бўлганлиги сабабли, нақд пул билан низом жамғармасини шакллантириш имкониятига эга эмасман,

Шу сабабли, Вазирлар Маҳкамасининг 242-сонли Қарорининг 2-бўлими бўйича, яъни энг кам иш ҳақининг 1200 бараваридаги низом жамғармаси юридик шахслар учун қандай ташкил қилиниши (нақд ёки пул ўтказиш йўли билан) тўғрисида тушунтириш беришингизни илтимос қиламан.

**Б. Абдурахмонов  
Қўқон шахри.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли "Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори билан тасдиқланган "Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом"нинг 9-бандида улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаби ва шартлари қаторида энг кам иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдорида, шу жумладан, улардан энг кам иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдорини пул маблағлари билан шакллантирилган устав фондининг мавжуд бўлиши лозимлиги белгиланган.

Юқорида келтирилган талаб бўйича улгуржи савдо билан шугулланадиган юридик шахслар энг кам иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдоридаги устав фондини шакллантиришлари лозимлиги, шу жумладан, унинг энг кам иш ҳақининг 2300 бараварига тенг қисми мол-мулк билан (бинолар, иншоотлар, компьютер техникаси ва бошқа мол-

### ХУРМАТЛИ РЕДАКЦИЯ!

**Мен бошқараётган корхона ўз қошида улгуржи савдо билан фаолият кўрсатадиган фирма ташкил қилди.**

Мен бошқараётган корхона ўз қошида улгуржи савдо билан фаолият кўрсатадиган фирма ташкил қилди.

Мен бошқараётган корхона ўз қошида улгуржи савдо билан фаолият кўрсатадиган фирма ташкил қилди.

Мен бошқараётган корхона ўз қошида улгуржи савдо билан фаолият кўрсатадиган фирма ташкил қилди.

**Б. Абдурахмонов  
Қўқон шахри.**

мулк) шаклида киритилиши мумкин ва энг кам иш ҳақининг 1200 бараварига тенг қисми фақат пул шаклида шакллантирилиши талаб этилган. Устав капитали тўлалигича пул шаклида шакллантирилиши ҳам мумкинлигини таъкидлаймиз.

Маълумки устав фонди корхона таъсисчилари томонидан шакллантирилади. Агар корхона таъсисчиси (таъсисчилари) жисмоний шахслар бўлса, улар корхона устав фондининг пул шаклида шакллантирилиши лозим бўлган қисмини қуйидаги тартибда устав фондига киритишлари мумкин:

1) нақд пул шаклида:

- бунда таъсисчи-жисмоний шахс бевосита ушбу корхонанинг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағига (агар корхона янгитдан ташкил этилаётган бўлса, унинг жамғариладиган депозит ҳисобварағига) хизмат кўрсатувчи банк кассасига нақд пул қўйиш эълонининг "тўлов мақсади" графасида "Корхона устав фондига улуш" ёзуви ҳамда таъсис шартномаси нусхасини тақдим этган

ҳолда киритади;

2) нақд пулсиз шаклда:

- таъсисчи-жисмоний шахснинг банкдаги омонат ҳисобварағидан пул кўчириш ҳужжатида "тўлов мақсади" графасида "таъсисчиларнинг 2006 йил санадаги" -сонли қарорига асосан устав капитални шакллантириш (кўпайтириш) учун" ёзувини киритган ҳолда пул кўчириш йўли билан;

- ишлаб турган юридик шахс таъсисчиларининг йилнинг охирида соф фойданинг таъсисчилик даромади сифатида олинаётган қисмини таъсисчилар умумий йиғилишининг тегишли қарори асосида устав капитални оширишга нақд пулсиз шаклда йўналтириш йўли билан.

Корхона таъсисчиси юридик шахс бўлган тақдирда:

- ишлаб турган корхонанинг устав фондини оширишга таъсисчи-юридик шахснинг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағидан тўлов топшириқномасининг "тўлов мақсади" графасида "таъсисчиларнинг 2006 йил санадаги умумий йиғилишининг" -сонли қарорига мувофиқ

корхонасининг устав фондини шакллантириш учун" ёзуви билан нақд пулсиз шаклда ўтказиб берилиши лозим;

- янгитдан ташкил этилаётган корхонанинг устав фондини шакллантиришга таъсисчи юридик шахснинг талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағидан тўлов топшириқномасининг "тўлов мақсади" графасида таъсисчиларнинг 2006 йил санадаги умумий йиғилишининг "сонли қарорига мувофиқ" -сонли қарорига мувофиқ корхонасининг устав фондини шакллантириш учун" ёзуви билан нақд пулсиз шаклда ўтказиб берилиши лозим бўлади.

**Х. НУРМУРОТОВ,  
Банк тизимида методология  
ишларини мувофиқлаштириш  
департаменти директори.**

## КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИГА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КўРСАТИШ БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ Йўлида

**Кичик бизнес субъектлари бозор иқтисодийтига тез мослаша оладиган, бозор талабига қараб қисқа фурсатда янги товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имконига эга тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Шунинг учун, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш айна вақтда республика иқтисодийтининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Кичик бизнес субъектларига бозор иқтисодийти шароитида қулай шартлар асосида молиявий кўмак бериш мақсадида янги молиявий институтларни ташкил этиш эҳтиёжи туғилди. Бу борада ривожланган давлатларнинг тажрибаси ўрганиб чиқилди ва Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида дастлабки кредит уюшмалари ташкил этилди.**

**Бугунги кунга келиб, республикамизда фаолият юритаётган кредит уюшмаларининг сони 25 тага етди. Улар томонидан ажратилган кредит маблағлари миқдори 7,1 млрд. сўмни ташкил этади.**

**Кредит уюшмалари яқинда ташкил этилганига қарамасдан, республикамиздаги микрокредитлаш жараёнларида самарали иштирок этаётганининг асосий сабаби нимада? Шу ва бошқа бир қатор саволларимизга жавоб олиш мақсадида, Марказий Банк ҳузуридаги Молия соҳасини ривожлантириш агентлиги директори, иқтисод фанлари номзоди Зафар Абдуллаевич УМАРОВ билан суҳбатлашдик.**

**- Авваламбор, агентликнинг ташкил этилиши, унинг асосий фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.**

Молия соҳасини ривожлантириш агентлиги 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, асосий вазифаларидан бири халқаро лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир. Ҳозирги кунда, агентлик томонидан Осиё тараққиёт банки билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида имзоланган, умумий суммаси 50 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган "Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш" лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда.

**- Ушбу лойиҳанинг асосий мақсад ва вазифалари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсангиз?**

Кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш лойиҳасининг асосий мақсади кичик бизнес субъектларига ҳамда аҳолининг кам даромадли қатламига молиявий кўмак кўрсатиш орқали, қўшимча даромад манбаларини яратишнинг институционал асосларини ташкил этишдан иборат.

Шундан келиб чиққан ҳолда, лойиҳа қуйидаги асосий компонент-

лардан: кредит уюшмаларининг институционал ва меъёрий тизимини ривожлантириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратишдан ташкил топган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, лойиҳа доирасида кредит уюшмаларига ажратилаётган маблағлар, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, субординар заём шаклида берилиши кўзда тутилган. Бунда, субординар заём кредит уюшмаларининг бевосита капитални оширишга йўналтирилади ва шу орқали ўз аъзоларига берилаётган кредит маблағлари ҳажмининг ошишига олиб келади.

**- Лойиҳада кредит уюшмаларига техник кўмак беришга ҳам алоҳида эътибор берилган. Ушбу малакавий кўмак нималардан иборат?**

Маълумки, кредит уюшмаларининг ташкил этилганлигига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу туфайли кредит уюшмаларида ўз аъзолари билан ишлаш, пул маблағларини бошқариш, халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш, уларни таҳлил қилиш ва улардан турли

қалтисликларни бошқаришда фойдаланиш каби соҳаларда халқаро тажриба ва кўникмаларга бўлган эҳтиёж катта. Бу борада, Осиё тараққиёт банки билан келишилган ҳолда кредит уюшмаларида корпоратив бошқариш, актив ва пасивларни бошқариш, ўз аъзоларига берилган кредитлар устидан доимий мониторинг олиб бориш, даромад ва харажатларни доимий назорат қилиш каби кўплаб масалалар юзасидан ўқув семинарларини ўтказиш дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур юзасидан ўқув семинарлари Кредит уюшмалари жаҳон кенгаши (WOCCU) иштирокида ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, кредит уюшмалари учун субординар заёмларни олишда хужжатларни тайёрлаш бўйича тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

**- Бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

Ҳозирги кунда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонга қизиқиши жуда катта. Шу мақсадда уларнинг кўпчилиги республикамизда ўзларининг ваколатхоналарини очиб, иқтисодийтимизнинг кўплаб соҳаларида ҳамкорлик олиб боришмоқда. Биз ҳам кичик ва микромолиялаштиришни ривожлантириш тажрибасини ўрганиш ва лойиҳани сифатли ва самарали амалга ошириш мақсадида БМТ Тараққиёт дастури, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқининг кўмаклашув дастури, Япониянинг JICA ташкилоти каби халқаро ташкилотлари билан биргаликда изчил ҳамкорлик ишларини олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда республикамиздаги кредит уюшмаларини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида WOCCU билан ўзаро келишув битими имзоланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

**- Субординар заёмлар ажратиш жараёнида учраётган муаммолар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

Бозор иқтисодийти шароитида қучли рақобат бўлишига қарамасдан ўз фаолиятини муваффақиятли бошлашнинг ўзи қувонарли ҳол, албатта. Тўғри, бозор иқтисодийти шароитида етарли тажриба ва салоҳиятга эга бўлмасдан туриб, муаммосиз ишлашнинг ўзи қийин. Ҳозирги кунда, Лойиҳа бўйича кредит уюшма-

ларига ажратилиши кўзда тутилган субординар заём учун қуйидаги асосий талаблар қўйилган:

- муддати ўтган қарздорлик, яъни кредит уюшмаларининг муддати ўтган қарздорлиги рўйхатдан ўтган кундан бошлаб субординар заёмга мувожаат қилинган кунга қадар умумий кредит портфелининг 5 фоизидан ошмаслиги;

- кредит маблағларининг жалб этилган депозитларга нисбати, яъни кредит уюшмалари томонидан берилган кредитларнинг умумий миқдори жалб этилган депозитларнинг 80 фоизидан ошмаслиги;

- операция харажатларнинг умумий активлардаги улуши, яъни кредит уюшмаларининг операция харажатлари умумий активларнинг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Ушбу талабларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан кредит уюшмалари томонидан тегишли чоралар кўрилмоқда. Ўз навбатида, Агентлик WOCCU билан ҳамкорликда ушбу йўналиш бўйича доимий равишда мониторинг ишларини олиб бормоқда.

**- Кредит уюшмаларининг келажакдаги истиқболи тўғрисида нима дея оласиз?**

Яқиндагина, дастлабки кредит уюшмалари ташкил этилганига 3 йил тўлди. Шундай қисқа давр ичида уларнинг сони 25 тага етганлиги ва ўз таркибига 33 мингдан ортиқ аъзоларни бириктирганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Кредит уюшмалари бозор иқтисодийти шароитида ўз ўрнини мустақамлаш ва молиявий барқарорликка эришиш мақсадида аҳолининг кам таъминланган қатламига кириб бориб, уларни ўз аъзоларига қабул қилиш, молиявий ресурсларни кўпайтириш ва аъзоларининг даромадини ошириш бўйича кўпгина тадбирларни амалга ошириб келишмоқда. Бунга мисол қилиб, Кредит уюшмалари томонидан 2005 йил мобайнида газета ва журналларда 116 та мақола чоп этилганлиги ҳамда улар иштирокида тайёрланган 71 та телекўрсатув дастурлари эфирга узатилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Кредит уюшмалари келажакка қараб илдам ҳаракат қилмоқда. Бу борада, уларга халқаро ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган техник кўмак ва молиявий қўллаб-қувватлашлар келажакда ўз самарасини беради деб ишонаман.

**Эъзоз КАМОЛОВА суҳбатлашди.**



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ (янги таҳрирда)

(Давоми. Боши 5-сонда).

## II. Ҳисобварақлар рўйхати

**Коди Номи**

15991-Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)

15993-Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича мукофот

15999-Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

### **16100 Марказий банк/бўлим/ агентликлардан олинадиган маблағлар**

16101-Марказий банк/ филиал /агентликлардан олинадиган маблағлар – Нақд пуллар

16102-Марказий банк/филиал/агентликлардан олинадиган маблағлар – Марказлашган нақдсиз маблағлар

16103-Марказий банк/филиал/агентликларнинг филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлари ҳисобварағи

16104-Марказий банк/филиал/агентликлардан олинадиган маблағлар – Товар-моддий қимматликлар

16105-Марказий банк/бўлим/чет элдаги агентликлардан олинадиган маблағлар

16107-Марказий банк/филиал/агентликлардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар – Овердрафт

16109-Марказий банк/бўлим/агентликларнинг маблағлари-Флоат

### **16300 Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар**

16301-Хукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

16302-Норезидент банклардаги ҳисобварақлар бўйича ҳисобланган фоизлар

16303-Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

16304-Резидент банклардаги ҳисобварақлар бўйича ҳисобланган фоизлар

16305-Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар

16306-Халқаро молиявий институтлардаги ҳисобварақлар бўйича ҳисобланган фоизлар

16307-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар

16308-Резидент банкларга берилган қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган фоизлар

16309-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

16310-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган фоизлар

16311-Қимматбаҳо металллар бўйича ҳисобланган фоизлар

16312-Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар

16315-Сотиб олинган векселлар бўйича ҳисобланган фоизлар

16397-Бошқа маблағлар бўйича ҳисобланган фоизлар

### **16400 Ҳисобланган фоизсиз даромадлар**

16401-Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар

16405-Ҳисобланган жарима ва пенялар

16409-Операцион ижара бўйича ҳисобланган даромад

16413-Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар

16499-Ҳисобланган фоизсиз даромадлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси(контр-актив)

### **16500 Асосий воситалар**

16501-Ер

16505-Тугалланмаган қурилишлар

16509-Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар

16511-Бинолар ва бошқа қурилган иморатларнинг жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

16515-Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи

16519-Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

16529-Транспорт воситалари

16531-Транспорт воситаларининг жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

16535-Мебел ва бошқа жиҳозлар

16539-Мебел ва бошқа жиҳозларнинг жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

16541-Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жиҳозлар

16545-Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жиҳозлар жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

16549-Ижарага берилган асосий воситалар

16551-Ижарага берилган асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммаси (контр-актив)

16561-Омбордаги асосий воситалар

16563-Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)

### **16600 Номоддий активлар**

16601-Номоддий активлар

16605-Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)

16609-Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар

16617-Гудвилл

16699-Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

### **16700 Банкнинг бошқа хусусий мулклари**

16701-Кредит бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк

16705-Банкнинг бошқа кўчмас мулклари

16799-Банкнинг бошқа хусусий мулклари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларини қоплаш захираси (контр-актив)

### **16900 Ҳосилавий инструментларнинг ревалъвацияси натижасида ўзлаштирилмаган фойда**

16901-Ревалъвация натижасида ўзлаштирилмаган фойда - Форвард шартномалари

16905-Ревалъвация натижасида ўзлаштирилмаган фойда - Опционлар

16909-Ревалъвация натижасида ўзлаштирилмаган фойда - Фьючерслар

16913-Ревалъвация натижасида ўзлаштирилмаган фойда - Своплар

### **17100 Валюта савдоси ва валюта позициялари ҳисобварақлари**

17101-Валюта позицияси ҳисобварақлари



№ 6, 2006 й., февраль



**17300      Транзит ҳисобварақлари**

17301-Транзит ҳисобварақлари  
17305-Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар

**17500      Ҳукумат ҳисобварақлари**

17515-Республика бюджетининг махсус харажатлари

**19900      Бошқа активлар**

19903-Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар  
19907-Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар  
19908-Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиниши лозим бўлган маблағлар  
19909-Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар  
19911-Олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)  
19915-Ҳужжат маркалари  
19919-Почта ва ҳужжат маркалари  
19921-Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар  
19925-Олдиндан қилинган харажатлар  
19929-Муддати узайтирилган бошқа харажатлар  
19935-Нақд пул бўйича камомадлар  
19941-Тугатилган ва тугатиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлар  
19945-Тугатилган ёки тугатиш жараёнида бўлган банклардаги маблағлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)  
19949-Ҳаракатсиз активлар  
19951-Китоблар  
19955-Рассомчилик ва ҳайкалтарошлик асарлари  
19959-Нумизматик бойликлар  
19995-Суд жараёнидаги бошқа активлар  
19997-Бошқа активлар  
19999-Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

**20000      МАЖБУРИЯТЛАР****20100      Пул эмиссияси**

20102-Муомалага чиқарилган банкнотлар  
20106-Муомалага чиқарилган тангалар

**20500      Норезидент банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари**

20502-Норезидент банкларнинг вакиллик ҳисобварағи - Востро  
20506-Норезидент банклардаги вакиллик ҳисобварағи - Ностро, овердрафт  
20508-Норезидент банкларнинг депозитлари

**20700      Халқаро молиявий институтларнинг ҳисобварақлари - чет эл валютасида**

20702-Халқаро Валюта Фонди томонидан тақсимланган махсус қарз олиш ҳуқуқлари (SDR)  
20704-SDRни сотиб олиш бўйича ҳисобланган йиғимлар  
20706-Халқаро Валюта Фондидан SDRда олинган қарз  
20730-Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари  
20750-Халқаро ривожланиш ассоциацияси маблағлари  
20760-Халқаро ассоциациянинг кафолатланган инвестиция маблағлари  
20796-Бошқа халқаро молиявий муассасаларнинг маблағлари

**21100      Халқаро молиявий институтларнинг ҳисобварақлари - миллий валютада**

21102-Халқаро Валюта Фондининг ҳисобварағи-1  
21106-Халқаро Валюта Фондининг ҳисобварағи-2  
21108-Халқаро Валюта Фондининг қимматли қоғозлари  
21192-Халқаро Валюта Фонди томонидан валюта-ни баҳолаш ҳисоби

21196-Бошқа халқаро молиявий муассасаларнинг маблағлари

**21300      Марказий банк ва Резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари**

21302-Резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварағи - Востро  
21304-Ҳисоб-китоб марказидаги Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи - Востро  
21306-Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи - Ностро, овердрафт  
21307-Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар  
21308-Резидент банклардаги вакиллик ҳисобварағи - Ностро, овердрафт  
21310-Резидент банкларнинг бошқа депозитлари  
21312-Резидент банкларнинг мажбурий захира ҳисобварағи  
21314-Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар

**21500      Талаб қилиб олингунча депозитлар**

21502-Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари  
21504-Маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари  
21506-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари  
21508-Банк бўлмаган молиявий институтларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари  
21510-Ҳукумат фондининг махсус талаб қилиб олингунча депозитлари  
21512-Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари

21596-Хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари

**21700      Жамғарма депозитлар**

21702-Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари жамғарма депозитлари  
21704-Маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозитлари  
21706-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг жамғарма депозитлари  
21708-Банк бўлмаган молиявий институтларнинг жамғарма депозитлари  
21796-Хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг жамғарма депозитлари

**21900      Муддатли депозитлар**

21902-Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари муддатли депозитлари  
21904-Маҳаллий бюджет қарамоғидаги муассасаларнинг муддатли депозитлари  
21906-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг муддатли депозитлари  
21908-Банк бўлмаган молиявий институтларнинг муддатли депозитлари  
21996-Хўжалик ҳисобидаги муассасаларнинг муддатли депозитлари

**22000      Марказий банкнинг облигациялари**

22002-Жисмоний шахслар учун чиқарилган облигациялар  
22004-Юридик шахслар учун чиқарилган облигациялар  
22006-Чиқарилган облигациялар бўйича дисконт (контр-пассив)  
22008-Чиқарилган облигациялар бўйича мукофот

**22100      Олинган кредит, қарз (займ) ва векселлар**

22102-Ҳукуматдан олинган кредитлар ва сотилган векселлар  
22104-Ҳукуматдан олинган қарзлар (займлар)  
22114-Банклардан олинган кредитлар ва сотилган векселлар



22196-Бошқа олинган кредитлар ва сотилган векселлар

**22200 Марказий банк/бўлим/агентликларга тўланадиган маблағлар**

22202-Марказий банк/филиал/агентликларга тўланадиган маблағлар – Нақд пуллар

22203-Марказий банк/филиал/агентликларга тўланадиган маблағлар – Марказлаштирилган нақдсиз маблағлар

**22204 Марказий банк/филиал/агентликларга филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар**

22205-Марказий банк/филиал/агентликларга тўланадиган маблағлар – Товар-моддий қимматликлар

22206-Марказий банк/бўлим/чет элдаги агентликларга тўланадиган маблағлар

22208-Марказий банк/филиал/агентликларга филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар–Овердрафт

22210-Марказий банк/бўлим/агентликлардаги маблағлар - Флоат

**22400 Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар**

22401-Норезидент банкларнинг маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар

22402-Талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

22403-Жамғарма депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

22404-Халқаро молиявий институтларнинг маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар

22405-Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар

22407-Резидент банкларнинг маблағлари бўйича ҳисобланган фоизлар

22410-Олинган кредитлар, қарзлар (займлар) ва сотилган векселлар бўйича ҳисобланган фоизлар

22414-Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар

22496-Бошқа ҳисобланган фоизлар

**22500 Ҳисобланган солиқлар**

22506-Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар

22510-Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар

22512-Иш билан таъминлашга кўмаклашиш фонди ва бошқа фондлар билан ҳисоб-китоблар

**22600 Мижозларнинг бошқа депозитлари**

22602-Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари

22606-Мижозларнинг импорт билан боғлиқ тратта ва/ёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган аккредитивлар бўйича депозитлари

22696-Бошқа депозит мажбуриятлари

**22800 Ҳосилавий инструментлар бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар ва бошқа муддати узайтирилган даромадлар**

22802-Форвард шартномаси бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар

22806-Опцион бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар

22810-Фьючерс бўйича ревальвация натижасида амалга ошмаган зарарлар

22811-Своплар бўйича амалга ошмаган зарарлар

22812-Келгуси давр фоизли даромадлари

22896-Бошқа муддати узайтирилган даромадлар

**23200 Клиринг трансакциялари**

23202-Клиринг трансакциялари

23204-Бир марталик ўзаро ҳисоб-китоблар учун бюджет маблағлари

23206-Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар

23212-Республика бюджетининг мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари

23214-Маҳаллий бюджетларнинг юқори молия органлари билан бўладиган ўзаро ҳисоб-китоблари учун маблағлари

23216-Қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси маблағлари

23218-Молия вазирлиги жамғармасидан ажратилган мақсадли маблағлар

23220-Молия вазирлиги жамғармасидан олинган мақсадли маблағлар

23224-Хўжалик юритувчи субъектларнинг бир марталик ўзаро ҳисоб-китоблари учун бюджет маблағлари

23226-Республика бюджетининг экспортчи корхоналар билан мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари

23228-Республика бюджетининг пудратчи ташкилотлар билан мақсадли ҳисоб-китоблар учун маблағлари

**23400 Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ҳисобварақлари**

23402-Республика бюджетининг маблағлари

23403-Божхона тўловлари бўйича Республика бюджетининг даромадлари

23404-Республика бюджети қарамоғидаги муассасаларнинг маблағлари

23405-Нобюджет ташкилотлар ва корхоналар учун республика бюджетидан ажратилган маблағлар

23408-Ҳукуматнинг бошқа кредиторлик ҳисобварақлари

23416-Махсус мақсадлар фонди

23422-Капитал қўйилмаларни республика бюджетидан молиялаштириш

23424-Капитал қўйилмаларни маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш

23426-Маҳаллий бюджет маблағлари - Туман/шаҳар

23427-Нобюджет ташкилотлар ва корхоналар учун туман/шаҳар бюджетидан ажратилган маблағлар

23430-Маҳаллий бюджет маблағлари – Вилоят

23431-Нобюджет ташкилотлар ва корхоналар учун вилоят бюджетидан ажратилган маблағлар

23432-Маҳаллий бюджет маблағлари - Қорақалпоғистон Республикаси

23433-Нобюджет ташкилотлар ва корхоналар учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ажратилган маблағлар

23442-Инвестиция дастурларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ва марказлашган кредитлар ҳисобидан ажратилган бўнак маблағлар

**27400 Ҳисоб-китоблар маркази ичидаги ўзаро ҳисоб-китоблар**

27416-Ҳисоб-китоблар маркази ичидаги ўзаро ҳисоб-китоблар

**29800 Бошқа мажбуриятлар**

29801-Мижозлар билан ҳисоб-китоблар

29802-Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар

29803-Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар

29804-Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари

29805-Ижара (операцион ижара) бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар

29816-Ортиқча нақд пул

29840-Молия вазирлигига ўтказиладиган талаб қилиб олинмаган депозитлар

29842-Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари

29846-Талаб қилиб олинмаган бошқа кредит қолдиқлари

29896-Бошқа мажбуриятлар




**30000 КАПИТАЛ**  
**30300 Эълон қилинган устав капитали**  
 30305-Шаклланган устав капитали  
**30900 Захира капитали**  
 30903-Умумий захира фонди  
 30905-Текинга олинган мол-мулклар  
 30906-Девальвация учун захира  
 30907-Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)  
 30908-Асосий воситалар ва номоддий активларнинг бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш натижасида қийматининг ошган суммаси  
**31100 Ижтимоий мақсадларга мўлжалланган фонд**  
 31101-Ижтимоий мақсадларга мўлжалланган фонд  
**31200 Тақсимланмаган фойда**  
 31203-Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)  
 31206-Соф фойда (зарар) (актив-пассив)

**40000 ДАРОМАДЛАР**  
**40300 Норезидент банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадлар**  
 40301-Норезидент банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадлар  
**40500 Резидент банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадлар**  
 40501-Резидент банклардаги маблағлар бўйича фоизли даромадлар  
**40600 Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар**  
 40601-Давлат хазина векселлари бўйича фоизли даромадлар  
 40605-Давлат облигациялари бўйича фоизли даромадлар  
 40613-Корхоналарининг қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар  
 40617-Еврооблигациялар бўйича фоизли даромадлар  
 40694-Бошқа қарз қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар  
**40700 Халқаро молиявий институтлардаги маблағлар бўйича фоизли даромадлар**  
 40701-Халқаро Молиявий Институтлардаги маблағлар бўйича фоизли даромадлар  
**40800 Қимматбаҳо металллар бўйича фоизли даромадлар**  
 40801-Халқаро андозаларга мос келувчи олтин бўйича фоизли даромадлар  
 40802-Халқаро андозаларга мос келмайдиган олтин бўйича фоизли даромадлар  
 40803-Бошқа қимматбаҳо металллар бўйича фоизли даромадлар  
**40900 Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар**  
 40901-Давлат хазина векселлари бўйича фоизли даромадлар  
 40905-Давлат облигациялари бўйича фоизли даромадлар  
 40913-Корхоналарининг қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар  
 40917-Еврооблигациялар бўйича фоизли даромадлар  
 40994-Бошқа қарз қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар  
**41100 Сотиб олинган векселлар бўйича фоизли даромадлар**  
 41109-Сотиб олинган/қайта ҳисобга олинган ҳужжатсиз маҳаллий векселлар бўйича фоизли даромадлар  
 41111-Сотиб олинган/қайта ҳисобга олинган ҳужжат-

ли маҳаллий векселлар бўйича фоизли даромадлар  
 41115-Сотиб олинган/қайта ҳисобга олинган, муддати ўтган векселлар бўйича фоизли даромадлар  
 41119-Сотиб олинган/қайта ҳисобга олинган, суд муҳокамаси жараёнидаги векселлар бўйича фоизли даромадлар  
**41400 Қимматли қоғозларнинг репо битимлари бўйича фоизли даромадлар**  
 41401-Репо битимлари бўйича қимматли қоғозлардан олинган фоизли даромадлар  
**41600 Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар**  
 41601-Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар  
 41605-Бошқа банкларга берилган муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар  
 41609-Бошқа банкларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар  
**41800 Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар**  
 41801-Ҳукуматга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар  
 41805-Ҳукуматга берилган муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар  
 41809-Ҳукуматга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар  
**42300 Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар**  
 42301-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар  
 42305-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган, муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар  
 42309-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган, шартлари қайта кўрилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар  
**43600 Резидент банкларга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар) бўйича фоизли даромадлар**  
 43601-Резидент банкларга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар) бўйича фоизли даромадлар  
**43700 - Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар) бўйича фоизли даромадлар**  
 43701-Марказий банк тасарруфидаги корхоналарга берилган узоқ муддатли қарзлар (займлар) бўйича фоизли даромадлар  
**44700 Суд жараёнидаги кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича фоизли даромадлар**  
 44701-Суд жараёнидаги кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича фоизли даромадлар  
**44800 Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар**  
 44801-Давлат хазина векселларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар  
 44805-Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар  
 44813-Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар  
 (Давоми бор).





**2006 йил 31 январдан 6 февралгача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар\***



**1 АҚШ доллари**

**Россия Федерацияси**

31.01.2006 й.да - 28,12 росс. рубли  
01.02.2006 й.да - 28,13 росс. рубли  
02.02.2006 й.да - 28,10 росс. рубли  
03.02.2006 й.да - 28,19 росс. рубли  
04.02.2006 й.да - 28,17 росс. рубли

**Украина**

31.01.2006 й.да - 5,0500 гривна  
01.02.2006 й.да - 5,0500 гривна  
02.02.2006 й.да - 5,0500 гривна  
03.02.2006 й.да - 5,0500 гривна

**Беларус Республикаси**

31.01.2006 й.да - 2150,50 бел. рубли  
01.02.2006 й.да - 2151,00 бел. рубли  
02.02.2006 й.да - 2151,00 бел. рубли  
06.02.2006 й.да - 2151,00 бел. рубли

**Эстония**

31.01.2006 й.да - 12,9386 крона  
02.02.2006 й.да - 12,8766 крона  
03.02.2006 й.да - 12,9611 крона  
06.02.2006 й.да - 13,0193 крона

**Латвия**

31.01.2006 й.да - 0,5753 лат  
01.02.2006 й.да - 0,5726 лат  
02.02.2006 й.да - 0,5763 лат  
06.02.2006 й.да - 0,5791 лат

**Литва**

31.01.2006 й.да - 2,8548 лит  
01.02.2006 й.да - 2,8413 лит  
02.02.2006 й.да - 2,8600 лит  
06.02.2006 й.да - 2,8731 лит

**Қирғизистон Республикаси**

04.02.2006 й.да - 41,3563 сом

**Тожикистон Республикаси**

31.01.2006 й.да - 3,2086 сомоний  
01.02.2006 й.да - 3,2086 сомоний  
02.02.2006 й.да - 3,2088 сомоний  
03.02.2006 й.да - 3,2086 сомоний

**Молдова**

31.01.2006 й.да - 12,9186 лей  
01.02.2006 й.да - 12,9253 лей  
02.02.2006 й.да - 12,9287 лей  
03-05.02.2006 й.да - 12,9303 лей  
06.02.2006 й.да - 12,9316 лей

**Туркменистон**

18.11.2004 й.да - 5200,00 манат

**Қозғоғистон Республикаси**

31.01.2006 й.да - 132,04 тенге  
01.02.2006 й.да - 131,90 тенге  
02.02.2006 й.да - 131,64 тенге  
06.02.2006 й.да - 131,63 тенге

**Швейцария**

31.01.2006 й.да - 1,2854 швейц. франки  
01.02.2006 й.да - 1,2793 швейц. франки  
02.02.2006 й.да - 1,2884 швейц. франки  
06.02.2006 й.да - 1,2946 швейц. франки

**Япония**

31.01.2006 й.да - 117,64 япон иенаси  
01.02.2006 й.да - 117,23 япон иенаси  
02.02.2006 й.да - 118,45 япон иенаси  
06.02.2006 й.да - 118,62 япон иенаси

**1 Англия фунт стерлинги**

**Буюк Британия**

31.01.2006 й.да - 1,7681 АҚШ долл.  
01.02.2006 й.да - 1,7782 АҚШ долл.  
02.02.2006 й.да - 1,7754 АҚШ долл.  
06.02.2006 й.да - 1,7604 АҚШ долл.

**1 евро**

**Евроминтака**

31.01.2006 й.да - 1,2089 АҚШ долл.  
01.02.2006 й.да - 1,2147 АҚШ долл.  
02.02.2006 й.да - 1,2071 АҚШ долл.  
06.02.2006 й.да - 1,2009 АҚШ долл.

\* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.

# БАНК ХОДИМЛАРИ УЧУН ЯНА БИР АНЖУМАН

Барчамизга маълумки, Минтақавий банк ўқув маркази банк-молия соҳаси мутахассисларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш иши билан шуғулланиб келади. 11 йиллик фаолияти давомида марказ 24000 га яқин тингловчиларни турли даражадаги сертификатлар билан тақдирлаган. Марказнинг таъсисчилари сирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Туркия банклари ассоциацияси каби халқаро молия ташкилотлари бўлгани сабабли, сертификатлар халқаро стандартларга мос келади.

Шу йилнинг 30 январ - 3 феврал кунлари марказнинг навбатдаги ўқув курслари бўлиб ўтди. "Банк баланси таҳлили" ва "Лойиҳаларни молиялаштириш" мавзуларида ўтказилган семинар машғулотларида Марказий банк ва тижорат банклари ходимларидан иборат 18 та тингловчи иштирок этди. Ўқув курсларининг асосий маърузачилар Минтақавий банк ўқув маркази ўқитувчи-консультантлари ва Марказий банк раҳбар ходимлари бўлишди.

**Эъзоз КАМОЛОВА.**

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК-МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

**Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси 1996 йил 2 майда мамлакатимиз Президентининг ПФ 1460-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Банк-молия академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ фаолият бошлаган. Ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, банк-молия тизими учун етук ўрта ва юқори поғонали раҳбар мутахассисларни тайёрлаш, шу орқали банк тизимидаги амалий ва фундаментал муаммоларни ҳал этиш мақсадида ташкил этилган мазкур академия ҳар йили 100 дан ортиқ магистрларни тайёрламоқда. Дунёнинг 40 дан ортиқ ривожланган мамлакатлари билан алоқалар ўрнатиб, улкан ютуқларни қўлга киритган академиянинг ташкил топганига бу йил 10 йил тўлади. Шу муносабат билан биз академиянинг ўқув ишлари бўйича проректори Дилшод Гуломович ҲОЗИБЕКОВНИ суҳбатга чорлаб, ўқув юртининг фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.**



**- Домла, академиядаги таълим жараёнининг ўзига хослиги нималарда кўринади?**

- Умуман олганда, академия номининг берилиши унинг бошқа олий ўқув юрталаридан юқори мақомга эга эканлигини белгилайди. Қолаверса, бу ерда таҳсил олаётган тингловчилар академия томонидан қўйилган бир нечта талаблар асосида қабул қилинади. Яъни, тингловчи олий ўқув юртини тугатгач, банк, молия ва солиқ тизимларида камида 2 йилдан буён юқори лавозимларда (бош мутахассис, бўлим бошлиғи каби) фаолият юритаётган бўлиши ҳамда чет тилини яхши билиши зарурдир. Албатта, ўқишга қабул қилинган тингловчиларнинг иш жойи ҳамда ўртача иш ҳақлари сақланиб қолинади. Бу эса, унинг ўқишни тамомлагач, шу ташкилотда юқори лавозимларда иш фаолиятини давом эттириши учун замин яратади. Бундан ташқари, биз академияда таълим жараёни жаҳон стандартлари даражасида тайёрланган ўқув режалари асосида ўтилишини ҳамда улар етук фан арбоблари ва хориждан тақлиф этилган профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилишини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Таҳсил давомида ўз билим даражасини оширишга эришган тингловчилар магистрлик даражасини олиш учун банк, молия ва солиқ тизимларидан буюртма асосида юборилган ҳамда академия илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган мавзулар юзасидан махсус тузилган Давлат аттестация комиссияси олдида магистрлик диссертацияларини ҳимоя қилишади.

Илмий изланишлари билан яхши натижаларни қўлга киритган, қолаверса, таҳсил давомида устозлар эътиборига тушган тингловчилар шу соҳа бўйича дунёдаги етакчи давлатларнинг банк, молия ва солиқ соҳасидаги илғор муассасаларига бориб, тажриба оширадидлар. Мисол учун, ўтган йилги натижаларга тўхталиб ўтаман. Жами 137 нафар тингловчининг 70 нафари ривожланган давлатларнинг банк, молия ва солиқ тизимларида тажриба ўтаб қайтишди. Уларнинг 13 нафари Япониянинг Молия вазирлигида, 15 нафари Польшанинг Варшава

банк институтиди, 20 нафари Латвиянинг олий банк институтиди, 10 нафари Буюк Британиянинг (Лондонда) Вестминстер университетиди, 7 нафари Люксембургнинг «Молиявий технологияларни тарқатиш агентлиги» да ҳамда 5 нафари АҚШнинг Федерал резерв тизимида бўлиб, ҳам илмий, ҳам назарий билимларини бойитиб келишди.

**- Хорижий давлатларга чиқадиган тингловчилар олдига яна қандай талаблар қўйилади?**

- Тингловчи, энг аввало, юксак маънавиятга, чуқур билим ва малакага эга бўлиши керак. Шунингдек, унинг таҳсил мобайнида дарсларни ўзлаштирганлик даражаси ҳамда хорижий тилларни мукамал билиши ҳисобга олинади.

**- Академиянинг эришган ютуқлари ва келгуси иш режалари ҳақида фикрлашсак.**

- Маълумки, академиямиз Марказий Осиёда шу соҳага ихтисослашган ягона илм даргоҳи ҳисобланади. Шунинг учун, у доимо чет эл мутахассисларининг, соҳа экспертларининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Ушбу ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатлик ҳар икки томон учун фойдалди. Айниқса, бизнинг академиямиз учун жуда катта зафарли йўлларни очиб бермоқда. Мана тўрт йилдирки, биз Люксембургнинг «Молиявий технологияларни тарқатиш агентлиги» билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқдамиз. Ҳар йили академиямизга ушбу агентликнинг директори Жак Грожен бошчилигида малакали мутахассислар келиб тингловчилар учун 120 соатлик семинар машғулотларини олиб боришади. Яқинда профессор Ж.Гроженнинг «Бошқарув тажрибаси ва уни тарқатишни баҳолаш» мавзусидаги ўқув семинари яқунланди. Икки қисмга бўлиб ўтилган ушбу машғулотнинг биринчи қисмида банк факультети ва 3 ойлик раҳбар ходимларни тайёрлаш курси тингловчилари қатнашган бўлса, иккинчи қисмига молия, солиқ ва лойиҳаларни молиялаш факультети тингловчилари жалб этилди.

Агентлик ташкил қилган семинарнинг навбатдаги қисми феврал ойида давом эттирилиб, уни белгиялик экспертчи Рожер Клайссенс олиб боради: «Иқтисодиётга ноқонуний пулларнинг кириб келиши ва терроризмни молиялашнинг олдини олиш» мавзусида бўладиган семинар юзасидан ўқув материаллари аллақачон тингловчилар қўлида.

Апрел ойига режалаштирилган Европа инвестиция банкнинг эксперти Грахам Чешаернинг ташрифи эса, тингловчиларга «Лойиҳавий молиялаштириш» мавзусидаги семинарлар орқали Европа инвестиция банкнинг бой амалий тажрибаси билан танишишга имкон беради.

Ўқув машғулотлари тугагач, семинарлар юзасидан якуний имтиҳонлар ўтказилиб, тингловчиларга агентликнинг махсус халқаро даражадаги сертификатлари топширилади. Анъанага кўра, энг сара тингловчилар Люксембургга ёзги мактаб таълими учун йўл олишади. Охириги 3 йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, 2003 йил 12 нафар, 2004 йил 10 нафар ҳамда 2005 йил 7 нафар тингловчилар Люксембургга, ўша биз юқорида тилга олган агентликка бориб, тажриба орттириб келган. Тингловчилар у ерда Европа банк тизими фаолияти хусусан, халқаро қимматли қоғозлар, фонд биржаларининг операциялари, шунингдек, банк тизими амалга оширадиган хизматлар ва янги банк маҳсулотлари билан танишиб келишган. Буларнинг барчаси мазкур агентлик ҳисобидан молиялаштирилади. Бу ерда, нима учун айнан Европа банк тизими ўқитилади, деган савол туғилиши мумкин. Сабаби, бизнинг Банк-молия академиямиз 1997 йилда Европа банк тизимини ўқитиш марказига муҳбир аъзо бўлган. Мазкур марказ ўқув тизими билан танишишга ҳамда ўқув жараёнини шулар асосида бойитиб боришга доим ҳаракат қилади. Албатта, биз Шарқий Осиё банк-молия тизимини ҳам ўрганишга алоҳида аҳамият берамиз. Чунки, академия ташкил этилган дастлабки кунлардаёқ Япония Молия вазирлиги стратегик тадқиқот институти билан алоқани кенг йўлга қўйди. Қолаверса, академиянинг биринчи проректори этиб Япония фуқароси Ташихару Китамуранинг тайинланганлиги ҳам алоҳида бир рамзий маъно касб этади.

Қолаверса, Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тўғри тақсимланишини йўлга қўйиш мақсадида академияда «Лойиҳаларни молиялаш» факультети очилди. Бугунги кунда мазкур йўналиш бўйича қабул қилинган 25 нафар тингловчи мавжуд фанлар қаторида янги жорий этилган 10 та мутахассислик фанларини ҳам ўзлаштириб бормоқда.


Академиянинг режалари унинг мақсад ва вазифалари билан уйғунлашиб кетган. Юртбошимизнинг 2005 йил 10 ноябрда қабул қилган «Банк тизимини либераллаштириш ва тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ академия «Малака ошириш» факультети қошида тижорат банкларининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларига раҳбар ходимларни тайёрлаш 3 ойлик ўқув курсини ташкил этди. Ундаги тижорат банкларининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида талабга жавоб берадиган банк бошқарувчиларини етказиб бериш, раҳбар томонидан банк ходимларини бошқариш, танлаш ва тақсимлашни сифатли ташкил этиш, қолаверса, уларни Ўзбекистон банк тизимини тақомиллаштиришдаги асосий йўналишлар билан таништириб бориш каби масалалар доимо таълим жараёнининг диққат марказида туради. Бунда эш асосан хориж тажрибасига суянамиз. Академия билан алоқа ўрнатган давлатлар доирасини кенгайтиришга ҳаракат қиламиз. У ерларда малакасини ошириб келаётган профессор-ўқитувчиларга, юксак салоҳиятли ёш кадрларга маълум бир мажбуриятлар юклаб, шулар асосида иш фаолиятимизни бойитиб борамиз.

Шунингдек, биз Банклар ассоциацияси билан Россия Банклар ассоциацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйяпмиз. Эндиликда, тингловчиларимиз Россия ҳукумати қошидаги Молия академияси, Банклар ассоциацияси, етакчи университетларда ёзги тажриба мактабларида таълим олиб қайтишади.

Яқин келажакда, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси билан бирга «Истеъмолчиларни ипотека кредитлари билан таъминлаш» масалаларига қаратилган халқаро конференция ўтказишни режалаштирганмиз.

**Суҳбатдош: Назира МАВЛОНОВА.**





## Қимматли қоғозлар эмиссияси

2005 йил охиригача республикада 2114 та акциядорлик жамияти рўйхатга олинган бўлиб, улар жами 2787,3 млрд. сўмлик акциялар чиқарган. Шу билан бир қаторда, 58 та эмитент жами 48,0 млрд. сўмлик корпоратив облигацияларни муомалага киритди. Корпоратив қимматли қоғозлар эмиссиясининг умумий ҳажмида корпоратив облигацияларнинг салмоғи 1,7 фоизни ташкил қилади.

2005 йил мобайнида 214 та акциялар наشري рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг умумий эмиссия ҳажми 593,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Акциялар эмитентлари орасида, хусусан, "Ўзнефтмахсулот" АК (259,7 млрд. сўм), "Ўзавтосаноат" АК (40,4 млрд. сўм), "Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси" (30,5 млрд. сўм), "Фарғонаазот" АЖ (40,3 млрд. сўм), "Ўзспиртсаноат" АК (23,1 млрд. сўм), "Тахياتош иссиқлик электр станцияси" ОАЖ (19,8 млрд. сўм), "Ўзбеккумир" ОАЖ (14,9 млрд. сўм), "Ўзэкспомарказ" ОАЖ (8,4 млрд. сўм), "Дори-Дармон" АК (2,0 млрд. сўм), "Сил Маг" ҚК ОАЖ (1,1 млрд. сўм), "Ўзсаламан" ҚК ЁАЖ (1,3 млрд. сўм) ва бошқалар бор (диаграмма).



Бундан ташқари, 2005 йилда умумий суммаси 11,5 млрд. сўм бўлган 21 та корпоратив облигацияларнинг наشري рўйхатга олинди.

## Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари

2005 йил охиридаги ҳолатга кўра, республиканинг фонд бозорида қимматли қоғозлар бозорини бошқарувчи ваколатли давлат органининг лицензияси асосида қимматли қоғозлар бозорининг 322 та профессионал иштирокчиси, шу жумладан 94 та инвестиция воситачиси, 47 та реестр сакловчи, 65 та бошқарувчи компания, 36 та депозитарий, 25 та инвестиция маслаҳатчиси, 17 та инвестиция фонди, 15 та номинал қимматли қоғозлар эгаси, 12 та инвестиция компанияси, 8 та ХИФ ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

2005 йил мобайнида қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларига 78 та лицензия берилди, илгари берилган 46 та лицензиянинг амал қилиши тўхтатилди.

Чунончи, 2005 йилда Банклараро савдо тизими иштирокчиларига биринчи биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси лицензияси, шунингдек, ҳисоб-клиринг палатасининг лицензиялари, 20 та инвестиция воситачиси лицензияси, 14 та бошқарувчи компания лицензияси ва бошқалар берилди.

# ФОНД БОЗОРИНИНГ ТАҲЛИЛИ: 2005 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

Республика депозитарийларида ҳисобга олиб борилган қимматли қоғозлар эгаларининг сони 31.12.2005 йил ҳолатига кўра, 1029,4 мингдан ошган, шу жумладан жисмоний шахслар 1001,8 минг кишини (улар жами 77,1 млрд. сўмлик қимматли қоғозларга эга) ва юридик шахслар 27,6 мингтани (315,8 млрд. сўм) ташкил қилди. Республикадаги 3491 та норезидентнинг ҳисобварақларида жами 90,1 млрд. сўмлик қимматли қоғозлар ҳисобга олинди.

## Иккиламчи фонд бозори ресурсларининг таҳлили

31.12.2005 йил ҳолатига кўра республикада 2114 та акциядорлик жамияти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг эмиссияси (умумий устав фонди) 2787,3 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу эмиссиянинг 36,4 фоизи давлат улуши; 19,5 фоизи акциядорлик компаниялари, холдинглар ва бошқаларнинг устав жамғармаларига берилган давлат активларидир; 27,5 фоизи сотилмаган давлат активлари ва меҳнат жамоаси улушининг сотиб олинмаган қисмига; 3,7 фоизи ёпиқ акциядорлик жамиятларининг акциялари ва муомала қилиши чекланган акциялар улушига; 12,9 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги акциялар улушига тўғри келади.

Ўз навбатида, иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги умумий қиймати 360,3 млрд. сўмлик акциялардан:

24,1 фоизи тижорат банкларининг;  
28,7 фоизи янги ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг;

43,3 фоизи хусусийлаштирилган корхоналарнинг жойлаштирилган акцияларига тўғри келади.

Шундай қилиб, хусусийлаштирилган корхоналарнинг хусусий секторга жойлаштирилган акциялари республика иккиламчи фонд бозорининг асосий ресурсини ташкил қилади.

## Фонд бозорининг айланмаси

Қимматли қоғозлар бозорининг умумий айланмаси (корхоналарнинг акциялари ва облигациялари) 2005 йилда 166,3 млрд. сўмни (2004 йилда 146,2 млрд. сўм бўлган эди) ёки ўтган йил даражасига нисбатан 114 фоизни ташкил қилди.

2005 йил мобайнида бирламчи бозорда 88,6 млрд. сўмлик акциялар, шунингдек 11,7 млрд. сўмлик корпоратив облигациялар сотилди. Қимматли қоғозлар бирламчи бозорининг умумий айланмаси 100,4 млрд. сўмни (2004 йил якунлари бўйича 84,1 млрд. сўм эди), шу жумладан, уюшган бозорнинг айланмаси 14,9 млрд. сўмни ва уюлмаган бозорнинг айланмаси 85,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг айланмаси 2005 йил якунлари бўйича 66,0 млрд. сўмни (2004 йилда 62,1 млрд. сўм эди), шу жумладан:

акциялар уюшган бозорининг айланмаси 26,3 млрд. сўмни;

корпоратив облигациялар уюшган бозорининг айланмаси 666,2 млн. сўмни;

акциялар уюлмаган бозорнинг айланмаси 27,5 млрд. сўмни;

корпоратив облигациялар уюлмаган бозорнинг айланмаси 11,5 млрд. сўмни ташкил қилди.

Қимматли қоғозларнинг уюшган иккиламчи бозорида инвесторлар томонидан тузилган битимлар ҳажми ошганлиги қайд этилди. Чунончи, республика иккиламчи фонд бозори савдо майдончаларининг умумий айланмаси 26,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилги даражага нисбатан 118,4 фоизни ташкил қилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида иккиламчи биржа бозорида корхоналарнинг акциялари билан эркин алмаштириладиган валютада савдо қилиш фаол давом этди. Чунончи, ҳисобот даврида инвесторлар иккиламчи бозорда 40 та эмитентнинг акциялари юзасидан жами 9,2 млн. АҚШ доллари миқдорда 587 та биржа битими тузилди.

Корпоратив облигацияларнинг айланишини таҳлил қилиш ҳисобот даврида ушбу сегментда айланмалар тузилишида сифат ўзгаришлари юз берганлигини кўрсатмоқда. Чунончи, агар 2004 йилда облигациялар юзасидан тузилган битимларнинг 70 фоизини бирламчи жойлаштирилган облигациялар ташкил қилган бўлса, ҳисобот даврида облигацияларнинг иккиламчи айланиши (51 фоиз) устунлик қилди. Облигациясиз юзасидан тузилган битимларнинг республика фонд бозорида тузилган битимлар умумий ҳажмидаги салмоғи 14,4 фоизни ташкил қилди.

Республика акциядорлик жамиятларининг Марказга топширган ҳисоботларига кўра, 2004 йил якунлари бўйича 146,0 млрд. сўм миқдорда дивидендлар ёзилган (2003 йил якунлари бўйича 68,9 млрд. сўм эди), шу билан бирга, корхоналарнинг 2004 йилдаги соф фойдаси 764,7 млрд. сўмни (2003 йилда 466,7 млрд. сўм эди) ташкил қилди. Умуман, ҳисобот йилида дивидендлар тўлашга соф фойданинг 19,1 фоизи (олдинги йилда 14,8 фоизи эди) сарфланди. Акциялар келтирган дивиденд даромадларининг ўртача даражаси номиналга нисбатан 5,8 фоизни ташкил қилдики, бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан (16 фоиз) ҳамда республика тижорат банкларидаги депозит омонатлар бўйича ставкаларнинг ўртача даражасидан (камида 30 фоиз) анча пастдир.

Дивидендларни ўз вақтида тўламасликнинг оммавий тус олганлиги акцияларнинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтирган яна бир омил бўлди. Чунончи, 2004 йил якунлари бўйича жами 146,0 млрд. сўм миқдорда ёзилган дивидендларнинг фақат 32,5 млрд. сўми (22,2 фоизи) ўз вақтида тўланган. Бунинг устига, 2003 йил ва ундан олдинги йиллар якунлари бўйича ҳисобланган дивидендлар ҳам (5,3 млрд. сўм) турли сабаблар билан тўланмай келинмоқда.

## МЕНЕЖМЕНТ

# ГЛОБАЛ БИЗНЕС ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРА ОЛМАЁТИР

**"Lloyds" компанияси ва унинг "Economist Intelligence" бўлими бугун дунёдаги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги 100 дан ортиқ компания раҳбарлари орасида глобал компаниялар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган хатарларни бошқариш қобилияти хусусида сўров ўтказди. Сўров натижалари компаниялар дуч келадиган хатарларни ўз вақтида тўғри аниқлашга ҳамда уларни бошқаришга қодир эмаслигини кўрсатмоқда. Сўраб чиқилган раҳбарларнинг деярли ярми ўз компаниялари "хатар ёқасига бориб қолганлигини" (зарар кўришига озгина қолганлигини) кўрсатди, раҳбарларнинг ҳар учтадан биттаси эса компания хатарларни тегишли суратда бошқармаганлиги натижасида жиддий зарар кўрганлигини айтди.**

Бироқ, глобал компаниялар хатарларни бошқариш муаммосига эътибор бермаётми, деб бўлмайди. Ҳисоботда кўрсатилганича, сўнгги уч йилда компания раҳбарлари хатарни бошқаришга сарфлаётган вақт 4 баравар ўсган. Компаниялар раҳбарларида хатарларни бошқаришнинг адекват тизими бўлмаса, бу ҳол у ёки бу хатарлар таъсир кўрсатган тақдирда кўп миқдорда молиявий зарарларга олиб келиши мумкинлигини тушуниш даражаси жуда юқори.

"Компанияларнинг раҳбарлари

ҳозир хатарларни бошқариш учун кўп вақт ва ресурслар сарфлаётганлиги умидвор қиладиган ҳодисадир", - дейди "Lloyds" компанияси жаҳон бозорлари бўйича бўлимининг раҳбари Жулиан Жеймс. Бироқ, ўтказилган тадқиқот шуни яққол кўрсатмоқдаки, компаниялар ўз бизнеслари учун хавфли бўладиган хатарларни идентификациялаш (билиб олиш, аниқлаш) ҳамда уларни бошқариш учун ҳали кўп куч-ғайрат сарфлашлари керак бўлади.

Шуниси диққатга сазоворки, компания-

лар директорлар кенгашларининг аъзолари сугурталаш сектори хатарларни бошқариш юзасидан маслаҳатлар олиш учун манба эканлигини аниқ кўрсатмоқдалар. Айтиб ўтиш керакки, бундай позиция раҳбарларнинг хатар-менежмент билан боғлиқ тушунчаларда заиф эканликларини яна бир бор тасдиқлайди. Агар компаниялар раҳбарларининг тушунчаси теранроқ бўлганида эди, улар хатар онда-сонда эмас, балки муттасил эътибор беришни талаб қилишни англаган бўлардилар. Лекин, компаниялар учун дастлабки қадам улар дуч келадиган ёки яқин келажакда дуч келадиган хатарлар мавжудлигини, уларнинг мураккаблиги ва хавфлилигини англаб олишдан ҳамда хатарларни бошқариш мавзуларини стратегик муҳим вазифалар қаторига қўйишдан иборат бўлмоғи керак. Хавф туғдириши мумкин бўлган омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини миқдор жиҳатдан баҳолаш, яъни глобал компаниялар ўзлари ҳам, хатарларни бошқариш юзасидан маслаҳат сўраб муурожаат қиладиган сугуртачилар ёрдамида ҳам ҳал қила олмайдиган вазифаларни аниқлаш айниқса долзарбдир.

Хатарлар рейтингиде иккита юқори қаторни тегишлича 71 фоиз ва 63 фоиз олган меъёрий базанинг ўзгариши хатарлари (regulatory risk) ва ҳукумат хатарлари (governance risk) эгаллади. Бу эса сўраб чиқилган компаниялар глобал бизнесининг хатарларини акс эттиради.

Бироқ бундан буёғи яна ҳам ёмон. Ўтказилган сўров маълумотлари бўйича, компаниялар раҳбарларининг ярмидан камроғи хатарларни бошқариш бўйича ўз стратегияларини қайта кўриб чиққанлигини эътироф этди. Холбуки, улар кўрилган зарарлар туфайли хатарларни бошқариш тизимини қониқарсиз деб ҳисоблайдилар. Бу вазиятни "англаш хатарлари" атамаси билан таърифлаш мумкин; зарар кўрилганлигини қайд этиш ҳамда кўрилган зарарлар билан бозор ва молия хатарлари сабаблари ўртасидаги боғланишни аниқлашнинг ўзи муаммоларни ва хатар-менежмент талабларини чуқур тушунишни кафолатлаб бермайди. Хатарларнинг сабабларини янада чуқурроқ англаш ва уларни муваффақиятли бошқаришга нима ҳалақит бермоқда?

Тадқиқотлар бизнесни ривожлантиришнинг умумий стратегияси доирасида ягона хатар-менежмент тизимини яратиш учун асосий тўсиқлар, сўраб чиқилганларнинг фикрича, қуйидагилардан иборат эканлигини кўрсатди:

- биринчи навбатда турган (устувор) бошқа вазифалар билан курашиш (53 фоиз), аслида эса ёмон бошқарилиш;

- хатарга мойил бўлмасликни (risk-averse) шакллантириш хусусидаги хавфсирашлар, биз биламизки, бусиз даромад ҳам бўлмайди, ҳамда ташкилот-





### Асосий тамойиллар ва тўсқинлик қилаётган омиллар

Умуман олганда, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг ривожланиш шарт-шароитларини таҳлил қилиш бу ерда куйидаги асосий тамойиллар ва тўсқинлик қилаётган омиллар мавжудлигини кўрсатди:

1) республика акциядорлик жамиятлари акциялари эмиссиясининг умумий ҳажми кўпайиб бормоқда. Чунончи, ҳисобот даврида республикада акциялар эмиссиясининг умумий ҳажми 2217,7 млрд. сўмдан 37,3 млрд. сўмгача (569,6 млрд. сўмга ёки 25,7 фоизга) ошди;

2) республика акциядорлик жамиятларининг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши оқибатида уларнинг сони қисқарди. Хусусан, 2005 йилда республикада акциядорлик жамиятларининг сони 2271 тадан 2114 тага қисқарди (157 тага ёки 6,9 фоиз камайди), шу билан бирга, акциядорлик жамиятларининг устав жамғармаларидаги давлат активлари сотилганидан кейин бу жамиятларнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллarga ўтиши тамойили қайд этилди;

3) республика акциядорлик жамиятларининг устав жамғармаларидаги давлат активлари ҳажми иккиламчи бозор учун асосий ресурс бўлган давлат активларини хусусий секторда жойлаштириш суръатларига қараганда илдам ўсди.

Чунончи, охириги йилда республика акциядорлик жамиятларининг устав жамғармаларидаги давлат активларининг умумий ҳажми 1809,7 млрд. сўмдан 2325,2 млрд. сўмгача (515,5 млрд. сўмга ёки 28,5 фоиз) кўпайди. Шу давр ичида хусусий секторга жойлаштирилган давлат активлари ҳажми 150,2 млрд. сўмдан 156,0 млрд. сўмгача (5,8 млрд. сўмга ёки 3,9 фоиз) ўсди;

4) хусусийлаштирилган корхоналарнинг хусусий секторда жойлаштирилган акциялари инвесторлар орасида етарли даражада ёйилмаганлиги сабабли уларнинг иккиламчи бозорда айланиши учун шароит йўқ.

Чунончи, хусусий секторда жойлаштирилган 156,0 млрд. сўмлик акцияларнинг каттагина қисмини бир неча йирик АЖ акциялари ташкил қилади. Мулкдорлар ва давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган бу корхоналар акцияларининг айланиши чеклаб қўйилганлиги сабабли улар бозорда савдолашмайдилар ("Халқаро ҳамкорлик маркази" АЖ – 8,2 млрд. сўм, "ТА-ПОИЧ" ДАЖ – 5,0 млрд. сўм, "Marvel Juice" ОАЖ – 5,0 млрд. сўм, "O'zneftmahsulot" АЖ – 4,4 млрд. сўм, "Олмалик КМК" ОАЖ – 2,2 млрд. сўм ва ҳоказо). Шу билан бирга, жойлаштирилган иккиламчи бозор ресурсларининг каттагина қисми (40,0 млрд. сўм ёки 25,6 фоиз) 10 та ана шундай йирик АЖ қисмига тўғри келади;

5) иккиламчи бозорда молиявий жиҳатдан барқарор бўлган йирик компаниялар – юқори ликвидлиги ва инвестициялаш жиҳатидан жозибадорлиги билан ажралиб турадиган "кўк фишқалар"нинг акциялари йўқ, шу билан бирга, республикадаги кўпчилик бўлажак "кўк фишқалар"нинг ("Ўзбектелеком" АЖ, "Ўзметкомбинат" АИБ, "Олмалик КМК" ОАЖ) акциялари давлат мулки бўлиб, улар инвесторларнинг кенг қатлами учун фойдали ҳамда иккиламчи бозор учун ресурс бўла олмайди;

6) давлат активларини биржа савдоларига қўйиш ҳажмлари пасаймоқда. Масалан, охириги икки йилда устав жамғармаларидаги давлат активларини биржа савдоларида инвесторлар кенг қатламларига сотиш учун қўяётган АЖлар сони анча қисқарганлиги қайд этилади (403 та АЖдан 207 та АЖга тушган ёки улар сони 2 баравар камайган);

7) давлат активлари асосан стратегик инвесторларга сотилиши иккиламчи бозорда йирик ликвидли АЖлар акциялари билан савдо қилишнинг асосий шарт бўлган акцияларнинг кенг ёйилишига ёрдам бермаёттир. Масалан, 31.12.2005 йил ҳолатига номинал баҳоси 672,4 млрд. сўм бўлган акциялар пакети (умумий ҳажмининг 89,6 фоизи) стратегик инвесторларга, атиги 77,8 млрд. сўмлик (10,4 фоиз) акциялар пакети эса инвесторлар кенг қатламларига биржа савдоларида сотилиши мўлжалланган.

### Фонд бозорини янада такомиллаштириш йўллари

Қимматли қоғозлар бозори янада ривожланиши учун қулай шароит яратиш мақсадида яқин орада куйидаги чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Фонд бозоридagi профессионал фаолият турларини қўшиб олиб боришга қарши қонунларда белгилаб қўйилган бир қанча чекловларни бекор қилиш. Бу инвесторларга "бир нуқтада" тамойили асосида хизмат кўрсатиш механизмининг жорий этилишини таъминлайди.

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият турларини қўшиб олиб боришга тўсқинлик қилиб турган чекловлар оқибатида қимматли қоғозлар юзасидан битимлар тузиш механизми асосиз равишда мураккаблашиб кетган. Чунки инвестор ушбу қоғозларни ҳисобга қўйиш, битимлар тузиш, маслаҳат олиш, акцияларни ишонч асосида бошқаришга топшириш ва шу қабиларнинг ҳар бири бўйича тегишли институтга алоҳида-алоҳида муурожаат қилишга мажбур. Бундан ташқари, амал қилиб турган механизм қимматли қоғозлар бозорида битимлар тузиш борасидаги хизматлар қимматлашиб кетишига олиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқилган.

2. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси негизида марказий қайд этувчи институтни ривожлантириш йўли билан фонд бозорининг ҳисобга олиш тизимини соддалаштириш.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғоз эгаларини реестрга киритиш алоҳида тадбир бўлиб, инвесторни вақт ва маблағ сарфлашга мажбур қилади. Бундан ташқари, акциялар эгаси акциядорлар реестрига киритилгунча дивидендлар олиш, овоз бериш ва акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Тақлиф қилинаётган механизм қимматли қоғозлар эгаларини тегишли реестрларда ўз-ўзидан рўйхатга олиш имконини беради.

3. Республиканинг очiq акциядорлик жамиятлари негизида ошқора компаниялар институтини ривожлантириш мақсадида корпоратив қонунчиликни такомиллаштиришни давом эттириш.

Ҳозирги амалиётдан кўриниб турганидек, республика акциядорлик жамиятларида акциядорлар ва инвесторлар ҳуқуқлари ривожлантиришнинг асосий йўллари

баби бошқарув органлари аъзоларининг қонун талабларидан етарли даражада хабардор эмаслигидир. Шу билан бирга, корпоратив қонунчиликнинг мураккаблигини ҳамда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш масалаларининг долзарблигини ҳисобга олиб, республика акциядорлик жамиятлари амалиётига корпоратив котиблар институтини киритиш тақлиф қилинади. Бу эса республика акциядорлари ва инвесторларининг яхшироқ ҳимояланишини таъминлайди, уларнинг қонуний манфаатларини янада самарали муҳофаза қилишга имкон беради ва давлат идораларининг аралашувисиз ўзини ўзи бошқариш асосларини яратади.

4. Республика фонд бозорида ахборотни ошқор қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

Чунончи, амалдаги қонун ҳужжатлари кичик бизнес субъектларини ҳисобот бериш мажбуриятидан озод қиладики, бу ҳол халқаро стандартларга хос эмас. Масалан, чет мамлакатларда акциялар чиқариш орқали сармоя жалб этадиган компаниялар ошқора компаниялар (корпорациялар) бўлади, чунки улар кенг инвесторлар қатламининг маблағларини жалб этади. Шу муносабат билан ушбу компаниялар ижтимоий масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Бунинг устига ахборотни ошқор қилиш талабларини акциядорлик жамиятлари ходимларининг сони билан боғлаш ўринли эмас, чунки акциядорлик жамияти ҳисобламиш кичик корхонада беш нафар ходим ва мингдан ортиқ акциядор бўлиши мумкин.

5. Биржа савдоларида кенг инвесторлар қатламига сотиладиган ресурслар ҳажминини ошириш.

Хусусан, ностратегик акциядорлик жамиятлари акциялари пакетининг давлатга қарашли қисмини биржа савдоларида янада кенгроқ сотишни назарда тутиш зарур. Иккиламчи бозорни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш учун акциялар кенг инвесторлар доираси орасида кенг ёйилишини таъминлайдиган усуллардан фойдаланиш зарур эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Иккиламчи бозорда муомалада бўладиган акциялар ресурсларининг ҳажминини ошириш тақлиф қилинади. Чунки бу бозорда адолатли нарх ўрнатилишига, корпоратив бошқарувни ривожлантиришга, акциялар кенг инвесторлар доираси орасида зарур даражада "ёйилиб кетиши"га эришиш имконини беради.

6. Фонд бозорининг хусусиятини ҳисобга олиб, қимматли қоғозлар юзасидан амалга оширилаётган операцияларни солиққа тортишни, инвестиция институтини такомиллаштириш.

Хусусан, қимматли қоғозлар юзасидан амалга оширилган битимлар бўйича курслар ўртасидаги манфий фарқни солиққа тортиладиган базадан чегириб ташлаш, савдоларни ташкил этувчилар ва депозитарийларни солиқдан озод қилиб, бўшатиб олинган маблағларни илгари банк тизимига берилган имтиёзларга ўхшаб, техника билан қайта куруланишга ҳамда фойдаланилаётган дастурий-техникавий воситаларни модернизациялашга йўналтириш тақлиф қилинади.

**Асқар ОБИДОВ,**  
Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг бошқарма бошлиғи.

нинг бюрократлашиши (45 фоиз) – яна ёмон бошқарилиш;

- хатарларни бошқаришнинг тежамли воситалари етишмаслиги (35 фоиз) – хатар-менежмент бошқарув фани сифатида ёшлиги ва баҳоси жиҳатидан қулай бўлган воситаларни танлаб олиш имконияти етарли эмаслиги, назарий асослар тугал ишлаб чиқилмаганлиги;

- ходимлар муаммони яхши англамаслиги ва унинг моҳиятини тушунмаслиги, бу ҳол хатар-менежментни жорий этишга халақит бермоқда ва унга тўсқинлик қилмоқда (25 фоиз);

- менежмент назарий жиҳатдан етарли даражада тайёрланмаганлиги ҳамда умумий қабул қилинган стандартлар йўқлиги туфайли яхши хабардор эмаслиги, хатар-менежментнинг назарий асослари тугал ишлаб чиқилмаганлиги.

Айниқса ҳайрон қоларли жойи шундаки, бундай кўламдаги компанияларда бошқарув аъзолари ва бошқаларнинг, яъни энг юқори даражадаги топ-менежментнинг 10 фоизи хатар-менежмент тизимини жорий этишга қаршилиқ кўрсатмоқда.

Иккинчи томондан, ҳисобот яна шундан ҳам далолат берадики, компанияларда ички назоратни яхшилаш, бошқарув

стандартлари ва бизнес стандартлар, меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш хатарларининг камайиши (compliance risks) – буларнинг барчаси компания бошқаруви хатарларни бошқариш зарурлигини англашнинг натижаси бўлиб, аслини олганда, хатарларни бошқариш борасида ўз зиммасига катта масъулият олаётган бошқарувлардан келиб чиқмоқда. Бироқ, биргина бошқарувнинг ўзи хатарларни бошқариш муаммолари билан жиддий шугулланса, топ-менежмент ва линия бошқаруви хатар-менежментни рақобатбардошлик манбаи деб эмас (аслида шундай бўлиши керак), балки ўз бизнесларини чеклаш деб қабул қилиши эҳтимолдан асло холи эмас.

Ҳатто глобал компанияларда ҳам хатарларни бошқариш ҳозиргача у туфайли қўлга киритиш мумкин бўлган афзалликларни англаб етиш эмас, балки ҳали ҳам бошқарувчи органларнинг талабларига мувофиқ иш тутиш зарурлиги туфайли жорий этилмоқда. Ҳисобот шундан дарак беради. Ана шунга асосланиб тадқиқот муаллифлари ва улар билан бирга биз ҳам куйидаги хулосани чиқарамиз: "Хатар-менежментнинг авж палласи ва асосий ютуқлари ҳали олдинда!"

## ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАР ЯНАДА ҚИММАТЛАШДИ

**Платина баҳоси рекорд даражага кўтарилди. Энди унинг бир троя унцияси 1082 АҚШ долларига тенг. Металлар бозори йирик инвесторларни тобора кўпроқ қизиқтирмоқда. 2006 йилда қимматбаҳо металллар нархи деярли 18 фоизга ўсди.**

Осиёда ўтказилган ким ошди савдосида платинанинг бир троя унцияси дарҳол етказиб бериш шarti билан рекорд даражага – 1082 АҚШ долларигача (плюс 1 фоиз) етди. Бу қимматбаҳо металллар бозорида қисқа муддатли осойишталик даври тугаб бораётганини кўрсатади.

2006 йилда қимматбаҳо металллар баҳоси 2005 йилдаги жадал ўсишига яқин суръатлар билан ошиб боради.

Bloomberg агентлиги экспертларининг фикрича, охириги нарх ошишининг сабаби шундаки, инвесторлар компаниялар акцияларини металлларга бўлган фьючерслар билан алмаштиришни маъқул кўрмоқдалар, чунки бу металллар келгусида катта даромад бериши мумкин.

Сибсий беқарорлик ва жаҳонда молиявий танглик юз бериши мумкинлиги инвесторларни ҳам ашё бозорига алоҳида эътибор беришга мажбур қилмоқда. Металлар ва нефт капитал киритиш учун энг ишончли ва фойдали объектлар бўлиб қолди.

Қимматбаҳо металллар баҳосининг динамикасини кўпроқ инвестициявий талаб белгилайди. Чунки олтин аллақачон маълум

маънода валютага айланиб қолган. Жаҳон бозоридagi макроиқтисодий омиллар ушбу металл баҳосининг ўсиши учун қулай бўлиб бормоқда. Инфляция кучайиши кутилаётганлиги, жаҳон валюталарининг заифлиги – мана шуларнинг барчаси олтинни янада юқори даражага кўтаришга қодир. Трейдерларда қимматбаҳо металлларга фьючерсларни сотиб олиш учун бошқа асослар ҳам бор. Бу металлларнинг нархи кўпдан бери муттақил балан бўлиб келмоқда. 2005 йилда олтиннинг баҳоси 10-15 фоиз ўсди, платина 13 фоиз қимматлашди, шу билан бирга бу металл кетма-кет тўрт йилдан бери қимматлашмоқда. Олтин нархи ҳам беш йилдан бери ошиб бормоқда. Бу вақт ичида унинг нархи 90 фоиз ўсди.

Металлар бозорининг етакчи экспертлари нархлар бундан кейин ҳам ўсишини кутишмоқда.

26 та халқаро молия ташкилотининг умумий маълумотларига қараганда, олтин 2006 йилда ўрта ҳисобда 18 фоиз қимматлашади. Таҳлилчилар бир унция олтиннинг баҳоси 600 АҚШ доллари даражасига кўтарилиши муқаррар деб бир овоздан айтишмоқда. Қумуш бозорида ҳам шундай ўзгаришлар юз беради.



## НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда «Ипотека банк» АТИБ-нинг Шайхонтохур филиалида Алишер Навоий таваллудига бағишланган адабий-баддий кеча бўлиб ўтди.

«Ўзбек адабий тилининг тарраққиётида Алишер Навоийнинг ўрни» деб номланган мазкур тадбирни филиалнинг маънавият ва маърифат масалалари бўйича бош мутахассиси Шоҳида Мавлонова олиб борди.



Кеча иштирокчилари дастлаб филиалнинг ходимлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Гулнора Сагатовна томонидан тайёрланган буюк мутафаккиримиз А.Навоий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги маърузани тинглади. Айниқса, умумтурк адабиётининг юксак чўққиси бўлмиш «Хамса» достони асосида намойиш этилган ёш мутахассислар иштирокидаги баддий чиқишлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Кичик бизнес бўлими бошлигининг ўринбосари Ольга Ефремова ҳамда ЕТТБ лойиҳаси бўйича етакчи мутахассис Камолиддин Раҳимбобоевлар томонидан ўқилган меҳнатсеварлик ва дўсту-ёрға садоқатлилик каби турли мавзулардаги рубоийлар барчага манзур бўлди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

## СЕМИНАРЛАР ЖУДА ҚИЗИҚАРЛИ ЎТМОҚДА

Минтақавий банк ўқув маркази шу йилнинг 6-17 феврал кунлари навбатдаги 3 та ўқув курсларини ўтказди. Улар Молия вазирлиги ходимлари учун «Бюджет сиёсати», тижорат банклари ходимлари учун «Замонавий банк иши» ҳамда «Актив ва пассивларни бошқариш» мавзуларидаги ўқув курсларидир. «Замонавий банк иши» мавзuidaги ўқув семинарлари банк ходимларига банк ишининг қонуний ва ҳуқуқий асослари, Марказий банкнинг монетар сиёсати, тижорат банкларининг замонавий кредит операциялари каби мавзуларни чуқурроқ ёритиб беради.

Ушбу семинарда Тожикистон Республикаси «Кредит инвест» ЁАЖнинг 3 нафар ходими қатнашмоқда. «Кредит инвест» нобанк молиявий ташкилот хисобланади. Унинг бош офиси Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида жойлашган бўлиб, мамлакатнинг барча минтақаларида филиалларига эга. Банкнинг асосий фаолияти бевосита қишлоқ хўжалигини молиялаштириш билан боғлиқ. «Кредит инвест»нинг етакчи мутахассиси Далиер Назарович Назаровдан семинардаги иштироки ҳақида сўраганимизда қуйидагича жавоб берди:

- Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим, Марказ ходимлари бизларни жуда илиқ кутиб олишди. Айтиш лозимки, жиҳозлардан тортиб дарс ўтиш жараёнига ҳам замонавий ташкил этилган. Маърузалар биз учун жуда қизиқ. Иложи бўлса танаффус вақтларидан ҳам унумли фойдалансак. Ўзим учун берилган икки ҳафталик имкониятдан унумли фойдаланиб, Ўзбекистон банк тизими билан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан яқинроқ танишишни истардим.

Эъзоз КАМОЛОВА.

## ИМПЭКСБАНК АВСТРИЯЛИКЛАРГА СОТИЛДИ

Австриянинг Raiffeisen International Bank'и Россиянинг ИМПЭКСбанкни ярим млрд. долларга сотиб олди. Бу чет эл компанияларининг Россия банкларини сотиб олиш юзасидан охирига етказган биринчи битими бўлди. Янги тузилма Россияда чакана тармоқни ривожлантирадиган энг йирик хорижий банк гуруҳига айланади.

«Райффайзенбанк Австрия» масъуллари тасдиқлаганларидек, ИМПЭКСбанк акцияларининг 100 фоизини сотиш ҳақидаги битим 1 феврал кунги Вена шаҳрида тузилди. Битимни узил-кесил тасдиқлаш учун Россия Марказий банки ҳамда Россия ва Австриядаги тегишли назорат идораларининг розилиги талаб қилинади. Дастлабки маълумотларга қараганда, битим баҳоси тахминан 550 млн. АҚШ долларини ташкил қилади.

Австрия банки вакиллари айтишларича, янги тузилманинг асосий бизнеси чакана тармоқни ривожлантиришдан иборат бўлади.

«ИМПЭКСбанкни сотиб олиш минтақаларда олиб бораётган ишимизни кенгайтиради ва бизни мижозларга яқинлаштиради. ИМПЭКСбанк Россия минтақаларидаги бозорларда жиддий иш юритганлигини ҳисобга олиб, биз минтақаларга мўлжалланган ўз ривожланиш дастуриимизни қайта қўриб чиқамиз. Энди биз эътиборимизни бутун мамлакат бўйлаб янги хусусий мижозлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини жалб этишга қаратиш имконига эга бўламиз», - деди «Райффайзен Интернационал» бошқаруви раиси Герберт Степич.

Битим бўйича ҳақ тўлаш икки траншда амалга ошири-

лади. 500 млн. АҚШ доллари-гача бўлган биринчи транш 2005 йилнинг аудит қилинган молиявий натижалари тақдим этилганидан кейин, 50 млн. АҚШ доллари-гача бўлган иккинчи транш эса 2006 йилнинг аудит қилинган молиявий натижалари тақдим этилганидан кейин амалга оширилади.

«Банк бўлимлари жойлашувида бироз мувофиқлик борлиги учун уни сотиб олиш бизга ҳам тижорат нуқтаи назаридан, ҳам стратегик нуқтаи назардан жуда фойдалидир. Агар Россияда филиаллар тармоқини ривожлантириш стратегияси билан таққослайдиган бўлсак, биз камида тўрт йил ютамыз», - деб қўшимча қилди «Райффайзен Интернационал» молиявий директори Мартин Грюлль.

Ритейлга мўлжалланган ва мамлакат минтақаларида кенг филиаллар тармоғига эга бўлган ИМПЭКСбанк Россиянинг сотиш ҳақидаги музокараларни ижобий яқунлаган биринчи йирик кредит ташкилоти бўлди. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, 2005 йил мобайнида Россиянинг чакана бизнес билан шуғулланувчи бир неча йирик банки («Русский стандарт», Росбанк) активларни хорижий молия гуруҳларига батамом ёки қисман сотиш ҳақида фаол музокаралар олиб борди. Хусусан, бозорда Deutsche Bank билан битим тузилганлиги

ҳақида миш-мишлар оралаб қолди. Бу банк Россия банкига тахминан 200 млн. АҚШ доллари тақлиф қилишга тайёр эди. Афтдан, ИМПЭКСбанкка австрияликлар рад этиб бўлмайдиган тақлиф киритган бўлса керак, дейишмоқда бозор қатнашчилари.

«Райффайзен Интернационал» Россияда 1997 йилдан бери ўзининг «Райффайзенбанк Австрия» ЁАЖ шўъба банки орқали иш олиб бормоқда. 2005 йилнинг биринчи ярми ҳолатига кўра Райффайзенбанк активлари 3 млрд. еврони ташкил қилди. Бу эса банкка активлар миқдори бўйича Россиянинг энг йирик банклари орасида 10-ўринни эгаллаш имконини берди. Уша пайтда банкда 1312 нафар ходим ишлар, 23 та бўлим ва хизмат кўрсатиш пункти бор эди.

Raiffeisen чакана бизнесини асосан Москвада олиб боради. ИМПЭКСбанк чакана бизнесининг ярмидан кўпроғи эса, аксинча, минтақаларда бўлиб, бу ҳол компанияга қўшимча афзалликлар беради. Бундан ташқари, Россияда ишлаётган хорижий молия гуруҳлари аста-секин эътиборни VIP-мижозлар ўрнига ўрта синфга қаратмоқда.

«2006 йил охирига бориб, бу тузилма фоиз ставкалари даражаси бўйича ҳам, хизмат кўрсатиш сифати бўйича ҳам Россиянинг етакчи давлат банклари - Сбербанк ва Внешторгбанк билан жиддий рақобатлаша оладиган бўлиши мумкин. Мижозлар чет эл банкларига ўтиб кетдилар», - деди ишонч билан «Интерфакс-ЦЭА» бош эксперти Алексей Буздалин.

Чет эл матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

## ХИТОЙ БАНКЧИЛАРИ АМЕРИКА ПУЛЛАРИНИ ЎМАРИШДИ

АҚШда Bank of Chinaнинг собиқ топ-менежерлари Сюй Чаофан ва Сюй Гоцзюнга бир йўла 15 модда бўйича айблов эълон қилинди. Улар Bank of Chinaдан 485 млн. АҚШ долларини ўғирлашда ва бу пуллари Гонконг, Канада ҳамда Лас-Вегас казиносида «ҳалоллаб» олишга уринишда гумон қилинмоқда.

Бу қаллоблик 2004 йилдаёқ очилган эди, лекин Америка маъмурлари айблов эълон қилишга шошилишмади. Тергов маълумотларига қараганда, Сюй Чаофан ва Сюй Гоцзюн Bank of China ҳисобварақларидан пул ўғирлаганларидан кейин Гонконгда сохта фирмалар таъсис этиб, пулни ушбу компанияларнинг ҳисобварақларига ва шахсий ҳисобварақларга ўтказишган, деб хабар қилади АҚШ адлия вазирининг ёрдамчиси Эллис Фишер.

Тергов маълумотларидан кўринадики, кейинчалик собиқ банкчилар ўғирланган пуллари Канадада ва АҚШда - Лас-Вегасдаги казинолардан бири орқали - «ҳалоллаб» олишга уринишган. Натижада, улар айнан АҚШда 2004 йилда сохта Америка паспортлари билан ушланган, чунки Хитойдан чиқиб кетиш учун улар америкалик аёллар билан сохта никоҳ шартномасини тузишган.

Сюй Чаофан ва Сюй Гоцзюнни Хитойга топшириш ҳақида ҳозирча ҳеч гап йўқ. Шунинг айтиш керакки, бундай ҳолат айбланувчиларга қўл келади: Хитой қонунлари пулни «ҳалоллаб» олиш ва бошқа ҳар қандай молиявий жиноятлар учун Америка қонунларига қараган-

да қаттиқроқ жазо беради.

2005 йил ўрталарида Bank of China Гонконг бўлимининг собиқ президенти Лю Цзинбао пора олганлиги ва хизмат маблағларини ўзлаштирганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Аммо суд ўлим жазосини икки йилга кечиктирди. Бу эса юристларга ўлим жазоси кейинчалик умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилади, дейиш учун асос бўлди. Банкчи қарийб 7,72 млн. юанни (938 минг АҚШ долларини) ўзлаштириб юборишда ва 1,43 млн. юан (173,7 минг АҚШ доллари) миқдорида пора олишда айбдор деб топилди.

Бундан ташқари, Хитой маъмуриятининг вакиллари иқтисодий жиноятлар учун жазони янада кучайтироқчи эканликларига бир неча бор эътиборни қаратган эдилар. Чунки, Хитойда 1990- ва 2000-йилларда иқтисодий ислохотлардан кейин кучайиб кетган коррупция уларни ташвишлантирмоқда.

Айни вақтда, ҳатто АҚШда ҳам хитойлик банкчилар жиноий йўл билан олган маблағларини «ҳалоллаш»да айбланиб, 20 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

## ВАНИ АХБОРОТДОМАНИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Жаҳон иқтисодий ва  
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан  
қўллаб-қувватлаш «Заковат»  
ижтимоий жамғармаси

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУХАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТУВЧИЛАР:

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО,

«Иқтисодий ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун

137-23-71

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Пушкин кўчаси, 59-уй.

e-mail: bankingnews@tshtt.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари тахририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «ВА»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓜ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-403

Тираж 8415 нусха.

Босишга рухсат этилди

7.02.2006 й.